# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2010 йил — Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 16-MART, SESHANBA, 31 (7648) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Маълумки, навнинг тўғри танланиши, унинг агротехникавий хусусиятларини ҳисобга олиш ва экиладиган уруғликларни тайёрлаш борасида янги усулларни излаб топиш, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитидан унумли фойдаланиш пахтадан мўл ҳосил етиштиришни кафолатлайди. 2



Бу йилги чорва қишлови фоҳишлик қўйчивонларни ҳам ўзига хос синовдан ўтказди. Қишга тараддуди пухта бўлган яйлов одамлари бу қийинчиликларга ҳозир тургандилар. Буни тумандаги "Қизилқум" қоракўлчилик ширкатининг Эрбўл Ўрушов бошчилик қилаётган отарда бўлганимизда яна бир бор ҳис қилдик. У чўпон таёғига, боболар касбига чуқур ҳурмат ҳисси билан қарайди. 3



Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ал-ҳидоя" китобларида бундай дейилади: "Агар дарё қавмлар ўртасида бўлса ва экинларни суғориш навбати хусусида тортишиб қолишса, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи улар ўртасида ерларининг миқдорига қараб тақсимланади. Чунки мақсад сувдан фойдаланишдир, сувдан фойдаланиш ҳажми эса ернинг миқдорига қараб белгиланади. 4

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

## ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ШУ ЙИЛ 4 МАРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ФАРМОЙИШИГА БИНОАН МАРТ-АПРЕЛЬ ОЙЛАРИ ЮРТИМИЗДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ОЙЛИК ДОИРАСИДА 13-14 МАРТ КУНЛАРИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасидан олинган маълумотларга кўра, ушбу эзгу тадбирда 17 миллионга яқин юртдошимиз иштирок этди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 35 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. Боғларга, ҳовли-жойларга, хиёбонларга, кўчаларга мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди. Янги тутзорлар барпо этилди. Мавжуд дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ариқлар, лотоклар тозаланди, зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди.

Юртимиз бўйлаб Наврўз нафаси кезиб юрган шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида яшнатиш, яратиш, бунёдкорлик туйғулари билан яшаётган юртдошларимиз бу галги ҳашарга ўзгача ёндашдилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Тахиатош шаҳарлари, қишлоқ ва овул туманларида юксак савияда ташкил этилди. Хусусан, тўрткўлликлар икки кун мобайнида 120 минг туп мевали, юз минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатларини ўтқаздилар. Кўчалар, ариқлар, зовурлар тозаланди. Айниқса, Пахтачи овулида замонавий лойиҳалар асосида намунавий қурилаётган 50 та турар-жой биноларида иш қизғин бўлди.

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳашар йўли билан қурилган маҳалла гузари ишга тушди. Фарғона туманининг Беруний ва Тинчлик маҳаллаларида қурилган қишлоқ фуқаролар йиғинлари биносининг очилиш маросими ўтказилди.

Сирдарё вилоятида бу йил фойдаланишга топширилиши режалаштирилган 77 та иншоотда умумхалқ ҳашари кунлари қурилиш ишлари янада қизиди.

Наманган шаҳрида аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурлари бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида 40 мингдан кўпроқ ҳашарчи қурувчиларга кўмак берди.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Шўрсой ва Мустақиллик маҳаллаларига ичимлик суви, Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги Туябўғиз қишлоғига эса газ тармоқлари тортилди.

Қашқадарё вилоятида "Юртимизни боғу роғларга айлантирайлик" шиори остида ўтган хайрли тадбирда иштирок этганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этди. Уларнинг бунёдкорлик ишлари эвазига салкам икки минг гектар майдон ободонлаштирилди. 980 минг туп манзарали, 230 минг туп мевали ҳамда 361 минг туп тут кўчатлари ўтқазилди. Ҳашар йўли билан 13 минг 200 кв. уй-жой таъмирланди. Эҳтиёжманд оилаларга мурувват кўрсатилди. Бу жараёнда "Муборакнефтгаз" унитар корхонаси, газни қайта ишлаш корхонаси, "Шўртаннефтгаз" мажмуаси, "Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси, "Қашқадарёдон", "Косондонмаҳсулотлари", Шаҳрисабз норуда материаллари жамиятлари намуна кўрсатдилар.



Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобрақамига ўтказилади. Бу маблағ "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни бажаришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлашга, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳаллалардаги спорт майдончаларини таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлашга сарфланади.

**МУХБИРЛАРИМИЗ**

Қашқадарё Вилояти

## САБЗАВОТНИНГ САРАСИ — ҲОСИЛНИНГ БАРАКАСИ

**Китоб туманидаги "Баҳромбек Ихтиёр ўғли" фермер хўжалигида ғалла ва мева-сабзавот экинларидан мўл ҳосил олиш тажрибаси кўпчиликка ибрат бўлгулик. Айни пайтда 57 гектар майдонда ғалланинг "Андижон-2" нави парваришланаётир. 13 гектар ерда картошканинг "Романо" нави етиштирилмоқда. Наврўздан сўнг 10 гектар майдонга ўтқазиш учун помидорнинг "Жина", "Волгоград" навлари иссиқхонада кўчат сифатида тайёрланмоқда. Шунингдек, уч гектар майдонда пиёзнинг "Пешпазак" нави ўстириляпти.**



СУРАТДА: фермер Ихтиёр Хушвақтов ва турмуш ўртоғи Гулчеҳра Эргашева.

— Туманимиз иқлими мева-сабзавотчиликка ниҳоятда мос, — дейди фермер Ихтиёр Хушвақтов. — Ҳосил мўл бўлади. Аҳолининг сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида иссиқхона қуриб, унда қишда ҳам ёздагидек сархил маҳсулотлар етиштирмоқчимиз. Шунингдек, лимон, апельсин, мандарин каби субтропик экинларни парваришлашни йўлга қўймоқчимиз. Соҳага қаратилаётган эътибор боис даромадимиз ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Саховат ва савоб иш қилиш фермернинг доимий ҳамроҳи. Фермер хўжалиги Бештерак қишлоғидаги бешта кам таъминланган оилани оталиққа олган.

Ўтган йили хўжаликда сув насоси ўрнатилди. Бу билан нафақат фермер хўжалигининг сув таъминоти яхшиланди, балки, Сапарча қишлоғида обиҳаёт муаммоси ҳал этилди.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

## ҒОЛИБЛАР — МАМЛАКАТ БОСҚИЧИГА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус-2010" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарларда ўтказилган босқичда ғолиб бўлган 16 нафар тадбиркор, 14 нафар фермер ва 16 нафар ҳунарманд иштирок этди.**

Танлов якунларига кўра "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича Нукус шаҳридан "Интер-Фарм" хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Александр Галимов, "Йилнинг энг яхши фермери" йўналиши бўйича Нукус туманидаги "Дами-ота" фермер хўжалигининг раҳбари Ўрозбой Тўлепов, "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналиши бўйича Нукус шаҳридан якка тартибдаги тадбиркор Азотбой Ўтарбоевлар ғолиб бўлди.

Шунингдек, кўрик-танловда "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг яхши корхона — ёшларга иш берувчи" ва "Энг яхши ҳунарманд оиласи" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Tashabbus-2010

**"Ташаббус-2010" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ҳам бўлиб ўтди. Танловда 50 нафардан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.**

Вилоятда бугунги кунда 34 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. 2009 йил давомида 2,5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Қибрай туманидаги "Истиқлол-Шукурова Г.Н." фермер хўжалиги боғдорчилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Хўжаликнинг 454 гектар ери бор, бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва сутни қайта ишлайдиган цехлар ташкил этилган. Хўжалик ўтган йилни 154 миллион сўм даромад билан якунлади.

Мазкур фермер хўжалиги раҳбари Гўзал Шукурова танловнинг "Энг яхши фермер" йўналишида ғолиб деб топилди.

Юқоричирчиқлик Анвар Назаров "Энг яхши ҳунарманд", Тошкент туманидаги "Само" хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёр Юнусов "Энг яхши тадбиркор" йўналишида ғолибликни қўлга киритди.

**Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, БМТнинг юртимиздаги ваколатхонаси ва "Экономическое обозрение" журнали таҳририяти ҳамкорлигида "Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги. Маданият ва тараққиёт" бешинчи анъанавий фотокўргазмаси ташкил этилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Кўргазманинг очилишида Республика Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, БМТнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Анита Нироди ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар узвийлиги, босқичма-босқичлиги, кучли ижтимоий йўналтирилгани билан бирга, барча соҳаларни равнақ топтириш, халқ фаровонлигини юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ушбу муқаддас заминнинг ўзига хос, бой ва бетакрор тарихи, маданияти, санъати, меъморчилик обидалари ҳамиша жаҳон аҳлининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келади.

Юртимизда анъанавий тарзда ўтказилувчи ушбу кўргазмада хорижлик меҳмонлар — турли соҳа вакиллари, ўқитувчилар, олимлар, дипломатик корпус вакилларининг қадимий шаҳарларимиз, табиатимиз, самимий ва меҳнатсевар одамларимиз акс эттирилган икки юздан зиёд энг сара фотосурати томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Кўргазмада ҳиндистонлик Танежа Арун, россиялик Станислав Магай, эстониялик Анжелика Рик, эронлик Ҳамид Ризо Анварий каби хорижлик ҳаваскор фотоижодкорларнинг юртимиз ҳақидаги таассуротлари акс эттирилган суратлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Сирдарё Вилояти

## Фермер «хазина»си

***Ховос туманидаги "Ғани Хуршид" фермер хўжалиги раҳбари Анвар Мадалиев ўтган йили Самарқанддаги "Оҳалик Ломан-парранда" наслчилик фабрикасидан 500 та товуқ сотиб олиб, ҳовлисида ихчамгина паррандачилик фермасини ташкил этганди.***

Айни пайтда фермада товуқлар соғлом ўсяпти. Улардан кунига 300-350 та тухум олиниб, истеъмолчиларга етказиб беріляпти. Парранда етти хазинанинг бири эканлигини тажрибада яхши англаган А.Мадалиев бу йил товуқлар сонини яна 1500 тага кўпайтиришга қарор қилди. Шу мақсадда у 2000 та товуққа мўлжалланган замонавий уч қаватли батареяни келтириб, ўрнатишни бошлаб юборди. Товуқхона ишга туширилган фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш янада кўпаяди. Энг асосийси, бунга қўшимча Боғистон маҳалласида янги ўнта иш ўрни яратилади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**



## АСКАРНИНГ УНУТИЛМАС КУНИ

**Президентимиз Ислом Каримов пойтахтимизда барпо этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз учун ҳарбий қасамёд — бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир.**

Ана шундай маросимлардан бири Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб ўтди.

Тадбирда Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

— Янги ўқув-жанговар дастури асосида бошланғич ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлган ёш аскарларимиз бугун ота-онаси, дўстлари, командир ва бошлиқлар олдида халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қилди, — дейди офицер М.Абдуллаев. — Ҳарбий қисмларимизда аскарларнинг сифатли ва самарали хизмат қилиши, яшаши, билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қилган ёш аскарлар сафида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидан хизматга чақирилган Иззат Йўлдошев ҳам бор.

— Ҳар бир инсон ҳаётида қувончли, унутилмас кунлар кўп бўлади, — дейди Иззат. — Бугун мен учун ана шундай кун бўлди. Негаки, бугундан эътиборан Қуролли Кучларимиз ҳарбийлари сафига қўшилдим. Энди қасамёдимга содиқ ҳолда бор кучғайратим ва билимим билан эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида астойдил хизмат қиламан.

Маросимда янграган куй-қўшиқлар рақсларга уланди. Ёш аскарларнинг қасамёдига бағишланган бундай тантанали маросимлар Қуролли Кучларимизнинг барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларида давом этмоқда.

**Х.САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**


Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

**"Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим".**

# Мафтунингман, она табиат!

"Ўзбекистон табиати" альбом-китоби, "Булоқча" ("Родничок") болалар экологик журнали лойиҳаси ва шу мавзуда чоп этилган бошқа нашрлар тақдимотига бағишланган матбуот анжумани Президентимиз Ислом Каримовнинг юқорида қайд этилган таърифи эътирофи билан очилди.

Ҳақиқатан, мафтункор табиати, беқиёс гўзалликлари билан ўзига ром этадиган ўлкада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро табиатни асраб-авайлашни ўзининг виждоний бурчи деб билмоғи лозим. Ўзбекистон экология ҳаракати вакиллари она табиатни бебаҳо бойлик деб билиб, уни авлодларга асл ҳолича, завол етказмай мерос қолдириш йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқда.

"Маънавият" нашриётида босиб чиқарилган Қашқадарё вилоятига бағишланган "Ўзбекистон табиати" альбом-китобини варақласангиз, гўё бир санъат асарини томоша қилгандай бўласиз. Бу китоб ҳам, шу кунларда нашр этилиши кутилаётган болалар журнали ҳам ёш авлодни экологик тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига бағишланган шундай альбом-китобни нашр этиш Экоҳаракат томонидан режалаштирилган.

Атмосфера ва атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда автотранспорт воситаларини ва қишлоқ хўжалик техникаларини экологик тоза ёқилғи билан ишлашга ўтказиш мақсадида Тошкентдаги "Gazmir-PRO"масъулияти чекланган жамиятида газодизель мосламаси синовдан ўтказилгани, "Глобал экотех Ургут" МЧЖда автотранспорт воситаларидан чиқадиган ва атроф-муҳитга катта зарар етказадиган ис газини 90-95 фоиз ушлаб қоладиган экофильтр мосламаси лойиҳаси ҳам анжуман қатнашчиларида қизиқиш уйғотди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоблар олишди.

**Д.КЕНЖАЕВ**

Фарғона вилояти

## "ДОРИ-ДАРМОН"нинг ҚВПлардаги шохобчалари

**Президентимиз, республика ҳукуматининг соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлари Фарғона вилояти "Дори-дармон" очиқ акциядорлик бирлашмасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларга ҳам муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўтган даврда жамоа аъзолари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш соҳасида бир қанча ютуқларга эришишди.**

Жумладан, аввалдан мавжуд бўлган марказий дорихона ва унинг жойлардаги бўлимлари, омборхона, лаборатория қайта реконструкция қилиниб, замон талабига мослаштирилди ҳамда зарур маҳсулотлар учун хорижий ҳамкорлар билан ўзаро алоқалар мустаҳкамланди. Булар аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга тўлақонли эришилди, дегани эмасди. Шу боис, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятдаги мутасадди ташкилотлар билан ўзаро фикрлашилиб, бу соҳадаги истиқболли режалар тақдим этилди. Ана шу лойиҳалар бўйича 32 та қишлоқ врачлик пунктида дори-дармон шохобчалари очилди.

Бешариқ туманидаги Чимбой, Қораянтоқ, Иттифоқ, Олтиариқдаги Оқбўйра, Зилха, Данғара туманидаги Бойбўта, Солижонобод, Бувайдадаги Бўстон каби марказдан олисда жойлашган ҚВПлар таркибида шохобчалар фаолияти йўлга қўйилганидан ташқари, малакали мутахассислар муаммосига барҳам берилди. Бир пайтнинг ўзида мавжуд 10 та бўлимда зарур малҳамларни шу жойда тайёрлаш чоралари кўрилди. Эндиликда 35-40 турдаги дори-дармонлар ажратилган махсус бўлимларда ишланиб, сўнг эҳтиёжмандларга етказиб берилаётир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 13 тоифадаги беморларга бепул хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда такомиллаштириш соҳасида ҳам тўпланган тажрибаларга таянилмоқда. Масалан, авваллари ана шу тоифалардаги беморлар касалхонага келиб, шифокор рецептини олишар, сўнг дорихоналардан зарур малҳамни қидиришарди. Бунда, энг аввало, анчагина вақт йўқотишарди. Энди эса оворагарчиликлар барҳам топди: яъни ҚВПлардаги шохобчалар керакли воситалар билан таъминланган ва шу жойдаги малакали шифокорлар беморга ҳар қанча маслаҳат беришга тайёр. Бу борадаги хизматлар кўлами таҳлилига назар солинса, аҳвол йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани кўзга ташланади. Айтайлик, 2008 йили ҳисобда турувчи беморларга 60 миллион сўмлик дори-дармонлар етказиб берилганди. Ўтган йили эса 90 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланган.

Очиқ акциядорлик бирлашмаси бошлиғи Муҳаммадамин Турсуновнинг таъкидлашича, соҳада ислоҳотларни янада жадаллатиш учун, аввало, юқори ташкилотлар яқиндан кўмаклашмоқда. Уларнинг мадади билан чекка қишлоқларда хизмат турларини ошириш мақсадида 2 та "Дамас" машинаси олинди. Бундан ташқари, Наврўз байрами арафасида жамоамиз учун ҳар жиҳатдан ихтисослашган ва мослаштирилган кўчма автодорихона машинаси ажратилди. Бу — аҳолига хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини оширишимизда бир қанча қулайликлар яратади.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

2010 йил — Баркамол авлод йили

# МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

## баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда

**Бугун юртимизда фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлод бўлиб вояга етишиши учун зарур бўлган имконият ва шароитлар яратилган. 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спортни, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва туманларда, ҳатто олис қишлоқларда ҳам спорт мажмуалари, ўйингоҳлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олган.**

Қадриятларимизнинг узвий қисми бўлган миллий спорт ўйинлари азал-азалдан мардлик ва инсонийликни тарғиб этиб келмоқда. Президентимиз ташаббуси ҳамда раҳнамолиги билан миллий кураш жуда тез фурсатларда умуминсоний қадриятга айланиб улгурди. Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам қишлоқларда тўй-ҳашамларда ўтказилган кураш мусобақалари бугун жаҳон майдонларини забт этди. Кураш бўйича ўтказилаётган қатор халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, нафақат мамлакатимиз, балки дунё ёшларининг ўзбек курашига қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари орасида кўплаб дунёга машҳур спортчилар, хусусан, Ўзбекистон байроғини дунёнинг турли бурчакларида кўтарилишига сабабчи бўлган курашчилар ҳам борлиги қувончлидир. Куни кеча республика Олимпиада шон-шуҳрати музейида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, "Полвонлар миллий энциклопедияси" жамияти, Кураш халқаро ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамкорлигида "Баркамол авлод тарбиясида миллий спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, бугун халқимизнинг фахри ва ғурури бўлиб жаҳонда шуҳрат қозонаётган ўзбек миллий спорт ўйинларининг тарихи узоқ мозийга бориб тақалади. Археологик топилмалар, илмий изланишлар уч ярим-тўрт минг йилдан кам бўлмаган тарихдан сўзлаб тургани фикримизнинг далилидир. Демак, тарих билан боғлиқ тадқиқотларни давом эттириш, илмий асарлар яратиш — миллий қадриятларимиз ривожиға ҳам хизмат қилади. Кураш, ўзбек жанг санъати, турон каби миллий спорт ўйинлари халқаро майдонда тан олинган оммавий спорт турига айланаётгани ғуруримизни орттирмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар спорт инсон иродасини тоблаши, мақсад сари интилишга чорлаши, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгиб ўтишга ўргатиши, дунёқараш ва тафаккурни шакллантириши баробарида ёшларимиз онгида муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ватанпарварлик туйғусини камол топтиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда кураш, ўзбек жанг санъати миллий спорт ўйинларидан кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқди.

Партия фаоллари ва спортчилар ҳамкорлигида қизиқарли ва очиқ руҳда ўтган ўзаро мулоқот чоғида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга миллий спорт ўйинлари мавқеини янада кўтариш борасидаги фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.


Юртимиз спортчи қизлари юрт довруғини таратмоқда.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**"Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги Маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ва "Истиқболли авлод" ёшларнинг ахборот-маърифий Маркази томонидан ташкил этилган "Баркамол авлод — ҳуқуқий юксалиш йўлида" мавзусида конференция бўлиб ўтди.**

# Ёшларимизни бузғунчи ғоя, ёт иллатлардан асрайлик

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, "Маҳалла" жамғармаси, "Соғлом авлод" халқаро хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашди. Тадбирда таъкидланганидек, баркамол авлодни тарбиялашда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, миллий қадриятларимизга ёт бўлган, бугунги кунда "оммавий маданият" деб номланаётган маданият таъсири, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, одам савдоси, бузғунчи ғоялар билан суғорилган турли хил оқимлар таъсиридан асраш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Конференциянинг мақсади ёш авлоднинг ҳуқуқи ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, баркамол авлодни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти сифатида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ва стандартларни тан олади ва уларни ўз миллий қонунчилигида, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўла акс эттириб келмоқда. Аввало, бу йўналишда зарур қонунчилик базаси яратилди ва давр талабидан келиб чиқиб таққослаштириб, такомиллаштириб борилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган 240 дан зиёд вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссиялар таркибида 3000 дан ортиқ малакали мутахассислар меҳнат қилмоқда. Республика Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишнинг зарур механизми йўлга қўйилган. Суд тизимида эса озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо тайинлашни кўзда тутувчи ярашув институти жорий этилган.

Мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, одил судловнинг ижтимоий йўналтирилган тизимини яратиш талаб этилади. Конференцияда ушбу масалага оид миллий тажриба ва халқаро стандартлар хусусида турли мавзулардаги маърузалар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд вилояти

Бандлик

# ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИШ БИСЁР

**Интилиш, изланиш, иштиёқ бўлса, ҳар қандай одам ўзи кўзлаган эзгу мақсадга, албатта, эришади.**

**Каттақўрғон тумани Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ҳам аҳолини иш билан таъминлаш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.**

Ўтган йили марказга иш билан таъминлашга кўмаклашишни сўраб 3593 нафар фуқаро мурожаат қилиши назарда тутилган эди. Ҳақиқатда эса 3681 нафар ишсиз фуқаро мурожаат қилди. Уларнинг 1418 нафари хотин-қизлар, 2206 нафари эса ёшлар.

Шулардан 3443 нафар фуқарога ўз касб-мутахассисликлари ҳамда хоҳиш-истаклари асосида маъқул келадиган таклиф билдирилиб, тумандаги муассаса, ташкилот ва хўжаликларга ишга жойлаштирилди. Иш билан таъминланганларнинг 1295 нафарини хотин-қизлар, 1842 нафарини эса ёшлар ташкил қилди.

Шу билан биргаликда, 130 нафар ишсиз фуқаро ўз касб мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш имконияти бўлмаганлиги сабабли ижтимоий ҳимояга олиниб, уларга ишсизлик нафақаси тайинланди, 43 нафар фуқаро эса касбга қайта тайёрлашга ўқитилди.



Ўтган йил мобайнида "Аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш" дастури бўйича йирик объектларни ишга тушириш, кенгайтириш ҳисобига 216 нафар, кичик бизнес ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 797 нафар, уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига 709 нафар, қўшимча қабул қилинган чораларга кўра яратилган янги иш ўринлари ҳисобига 2921 нафар, жами 5427 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Бундан ташқари, марказ томонидан Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида 1797 нафар кам таъминланган оилага, 11679 нафар вояга етмаган болаларга, 4203 нафар 2 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишсиз оналарга нафақа тайинланган.

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш борасида ҳам тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган.

Айни пайтда эса марказимиз ходимлари "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар.

**Нуриддин ШАКАРОВ,**
**Самарқанд вилояти**
**Каттақўрғон тумани Бандликка**
**кўмаклашиш маркази**
**директори.**

Хоразм вилояти

**Вилоят касаба уюшмалари фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари"га бағишланган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.**

## Мақсадга интилиш — фидойиликни талаб этади

Жумладан, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги кенг қўламли ишларнинг бажарилишида касаба уюшмалари, ходимларнинг сафарбарлигини таъминлаш, улар дунёқарашини замон талаблари асосида шакллантириш, мулкчиликнинг ҳар қандай кўринишига эгалик ва умумманфаат туйғулари билан ёндашишни таъминлаш, нодавлат сектори корхоналарида фаолият юритаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини яхшилаш бўйича меҳнат жамоаларида таъсирчанликни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимоя негизини ташкил этувчи минтақавий тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг мазмун-моҳиятини ошириш масалаларида ҳам таҳлилий фикрлар билдирилди.

Йиғилишда касаба уюшма етакчилари фаол иштирок этиб, кўтарилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди. Манфаатдорликни ошириш ва ишлаб чиқариш бўғинларида ишчанликни янада кенгайтиришда ҳамжиҳатликни қарор топтириш, синалган тажрибаларга таяниш лозимлигига эътибор қаратилди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Маълумки, навнинг тўғри танланиши, унинг агротехникавий хусусиятларини ҳисобга олиш ва экиладиган уруғликларни тайёрлаш борасида янги усулларни излаб топиш, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитидан унумли фойдаланиш пахтадан мўл ҳосил етиштиришни кафолатлайди.**

# Тезпишар ғўза навлари — давр талаби

Президентимизнинг "2010 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта хомашёсини етиштиришнинг башорати тўғрисида"ги қарорида ғўза навларини жойлаштириш ва нав янгиланишида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда навнинг биологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, тола сифати халқаро бозор андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулдор саноат навларига эътибор қаратилган.

Навларни республикамиз ҳудудларида жойлаштиришда танланган йўналишнинг тўғрилигини Андижон, Сурхондарё вилоятлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда Андижон вилояти пахтакорлари "Андижон-35", "Андижон-36" ғўза навлари экиладиган майдонларни кўпайтиришмоқда. Ўтган йилги мураккаб иқлим шароити, хусусан, кетма-кет ёққан ёмғир қатқалоқни юзага келтирди. Бу айрим туманларда ғўза кўчатларининг сийраклашишига олиб келди. Шунга қарамай октябрь ойидаёқ ҳосилнинг асосий қисми йиғиштириб олинди. Жумладан, Пахтаобод ва Булоқбоши тумани пахтакорлари бу борада илғорликка эришдилар. Жорий йилда вилоятда асосий пахта майдонининг 62 фоизида "Андижон-35", "Андижон-36", "Андижон-37" навларини экиш кўзда тутилмоқда.

Сурхондарё вилояти пахтакорлари ҳам ўтган йили 70 фоиз ғўза экиладиган майдонга эртапишар "Наманган-77", "Бухоро-102" навларини экиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Бу борада ибрат сифатида Қумқўрғон, Термиз тумани миришкорларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жорий йилда ҳам ушбу тезпишар навларга вилоят экин майдонининг 90 фоизи ажратилган.

Ушбу вилоятда кўп йиллардан бери экиладиган "Денов" ғўза нави тола сифати бўйича ташқи бозор талабларига тўла жавоб бермагани учун амалиётда фойдаланилмайдиган бўлди.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатдики, ғўза нави билан пахта ҳосили сифати ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Демак, саноат навларининг сифатли толасини ишлаб чиқиш асосан селекционер ва уруғчилик агрономларининг самарали ижодий меҳнатига бевосита боғликдир. Бу борада сўнгги йилларда аниқ натижаларга эришилди. "Бухоро-102", "Андижон-35", "Андижон-36", "Наманган-34", "С-6541", "Хоразм-150" ғўза навлари Давлат реестрига киритилди. Янги "АН-16", "Султон", "Дўстлик-2", "Гулбаҳор", "Андижон-37" ғўза навлари эса истиқболли навлар қаторига киритилди.

2010 ҳосил йилида IV тип тола берувчи "С-6524" ғўза навига ишлаб чиқарувчилар кўпроқ харидор бўлмоқда. Ушбу навни Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 35-45 фоиз майдонларига экиш мўлжалланган. Бу нав билан бир қаторда, жорий йилда Жиззах ва Сирдарё вилоятлари фермер хўжаликлари шўрланишга чидамли ва тезпишар "АН-Боёвут-2" навини жами пахта етиштириладиган майдоннинг 40-45 фоизига экишни режалаштирганлар.

Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг пахтачилик фермер хўжаликлари кўп йиллар давомида асосий (90-95 фоиз) майдонларда иссиқсевар, юқори ҳосилли "Бухоро" навларини экиб келишмоқда. Жорий йилда, ўтган йили ҳаво ўзгаргани инобатга олиниб, бу вилоятларда ҳам 20-25 фоиз майдонга тезпишар навлар экиш режалаштирилган.

Жами республика бўйича "Бухоро-6" нави 30 фоизга, "Бухоро-8" навини экин майдонлари вилоятлар тақсимоти бўйича 12 фоизга камайтириш режалаштирилган. Булар билан бир қаторда, "Наманган-77", "Бухоро-102" ва "Омад" навларини экиш майдонларини 20-35 фоизга кенгайтириш мўлжалланган.

Самарқанд вилояти пахтакорлари асосий майдонларга тезпишар "Омад" ва "Бухоро-102" навларини жойлаштирган ҳолда, жорий йилдан бошлаб навларни жойлаштирилишига баъзи ўзгартиришлар киритди. Яъни "Оқдарё-6" нави тола сифати бўйича замон талабига тўлиқ жавоб бермаётганлиги сабабли, унинг ўрнига "Омад" ва "Бухоро-102" навлари экиладиган майдонлар кенгайтирилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг асосий пахта майдонларида доимий экиб келинаётган тезпишар "С-4727" нави билан бирга "Бухоро-102" навининг экин майдони ҳам кенгайтирилмоқда. Шу билан бир қаторда, "Оқдарё-6" нави ўрнига, шу ҳудудда яратилган "Чимбой-5018" ва "Дўстлик-2" навлари экин майдонлари кенгайтирилмоқда.

Хоразм вилоятида ҳам экиб келинаётган "Хоразм-127" ва "Меҳнат" ғўза навлари қаторида "Бухоро-102" ва "Хоразм-150" янги навларини экиш мўлжалланмоқда.

Тошкент вилояти фермерлари жорий йилда олдиндан экилган "С-6524", "Наманган-77", "АН-Боёвут-2" навлари билан бир қаторда, янги "С-6541" навини экиш ва "Наманган-34" янги навини синашни режалаштирганлар.

Қарор бўйича ғўза хусусиятлари

Мутахассис таҳлили

ва иқлим ўзгариши инобатга олинган ҳолда, жорий йилда ўртапишар навлар майдони 10 фоизга камайган, тезпишар навлар майдони эса, аксинча, 10 фоизга кўпайган.

Ғўза иссиқсевар ва кун узунлигига эътибор берадиган ўсимлик. Узун кун давомида ўрта ва кечпишар навларнинг ҳосилдорлиги кескин пасаяди. Тезпишар навлар кун узунлигига унчалик боғлиқ эмас. Шу сабабли, ўртапишар навлардан юқори ҳосил олиш учун экишни 15 апрелгача тугаллаш зарур. Экишни кечиктириш юқори ҳосил олишга салбий таъсир кўрсатади.

Чигитни экиш 20 апрелдан кечикканда, қайта экилган чигитга ўхшаб қолади. Шунинг учун бу пайтда фақат тезпишар навлар экиш тавсия этилади.

Навларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ҳосил тўплаш жараёнларини бошқариш ва бу жараёнларнинг ўз вақтида сифатли ўтиши юқори натижаларга эришиш гаровидир.

**Ренат НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида**
**хизмат кўрсатган**
**қишлоқ хўжалик ходими,**
**қишлоқ хўжалик фанлари**
**доктори.**

